

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШИРИНОВА ХИЛОЛА ҲАМРОҚУЛОВНА

**ПАРОДОНТ ТЎҚИМАСИДА ОРТИҚЧА ТАНА ВАЗН ТАЪСИРИДА
ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ
АСОРАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ширинова Хилола Хамрокуловна

Пародонт тўқимасида ортикча тана вазн таъсирида юзага келадиган ўзгаришлар ва уларнинг асоратларини олдини олиш йўллари..... 3

Ширинова Хилола Хамрокуловна

Влияние избыточной массы тела на состояние пародонта и пути профилактики осложнений..... 27

Shirinova Hilola Hamrokulovna

The effect of overweight on periodontal conditions and ways of prevent complications..... 53

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works..... 58

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШИРИНОВА ХИЛОЛА ҲАМРОҚУЛОВНА

**ПАРОДОНТ ТЎҚИМАСИДА ОРТИҚЧА ТАНА ВАЗН ТАЪСИРИДА
ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ
АСОРАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1256 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хабибова Назира Насуллоевна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Расмий ошпонентлар:

Сандов Акбар Ахатович
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Бекжанова Ольга Есеновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

С.Д.Асфандияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «17» июнь куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200126, Бухоро шаҳар, Гиждувон кўчаси, 23. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99895) 911-00-50; www.bsmi.uz E-mail: buhmi@mail.ru)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишини мумкин (13 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200126, Бухоро шаҳар, Гиждувон кўчаси, 23. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2025 йил «3» июнь куни тарқатилди.
(2025 йил «3» июнь даги 31 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Т. Уроков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан глобал эпидемия дея таърифланган ортиқча тана массасига эга аҳоли сонининг ошиши пародонт тўқимаси ҳолатига ортиқча тана вазн таъсирини ўрганишнинг долзарблигини тасдиқловчи муҳим омиллардан биридир. Бугунги кунга келиб, «...катта ёшли аҳолининг 39% дан ортиқ қисми ортиқча тана вазнга эга бўлиб, бу оғиз бўшлиғи, хусусан, пародонт тўқималарнинг ёмонлашишига сезиларли таъсир кўрсатади...»¹. Ортиқча тана вазнига эга беморларда сурункали генераллашган пародонтит (СГП) ни даволашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янги терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурати замонавий стоматологиянинг муҳим вазифасидир.

Жаҳон амалиётида семириш ва пародонт касалликларнинг ўзаро боғлиқлигига тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «...ортиқча вазн нафақат хавф омили, балки пародонт тўқималарда яллиғланиш реакциясини кучайтиради, бу эса касалликларнинг тез ривожланишига олиб келади...»² Бундай шароитда механик тозалаш ва антисептикларни маҳаллий қўллаш каби анъанавий даволаш усуллари етарли даражада самарали бўлмаслиги одатий ҳолдир. Шу сабабли, жаҳон стоматологиясида сурункали генераллашган пародонтитни даволашда лазер терапияси, хлоргексидин асосидаги дорилар ва бошқа замонавий усуллардан фойдаланишни ўз ичига олган комплекс ёндашувлар фаол ривожланмоқда.

Мамлакатимизда, жаҳон амалиётида бўлгани каби, тадқиқотлар ҳам ортиқча тана вазнининг СГП кечишига сезиларли таъсирини тасдиқлайди. Ўзбекистонда ортиқча вазнли беморларда касалликнинг клиник натижаларни яхшилашга қаратилган янги даволаш усуллари фаол ишлаб чиқилмоқда ва жорий этилмоқда. Ушбу муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатда бундай беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича кенг қўламли чоралар кўрилмоқда ҳамда пародонт тўқимаси касалликлари ортиқча тана вазн билан уйғунликда кечишида комплекс даволаш ва профилактика самарадорлигини ошириш бўйича ўз долзарблиги ва зурурати сақлаб қолган.

Шу муносабат билан, «...ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологияли усуллари жорий этиш орқали аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги, улардан фойдаланиш имконияти ва сифатини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини олиш ...»³ каби вазифалар белгиланган. Бу вазифаларга тиббий ёрдам сифатини ошириш, стоматологик касалликлар асоратларини ташхислаш ва даволаш, шунингдек, тиббиётга замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган устувор вазифалар киради. Шундай қилиб, ортиқча вазнли беморларда пародонт касалликларини

¹ Пеньковой Е.А. Состояние пародонта пациентов с избыточной массой тела. // *Juvenis Scientia*. – 2023. – Т. 9. №2. – С. 21-31.

² Шевченко О.В. Влияние избыточной массы тела на стоматологический статус и биохимические параметры ротовой жидкости. // *Стоматология*. – 2023. 102(2). – С. 16 -20.

³ «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

даволаш муаммоси кўшимча тадқиқотлар ва комплекс давонинг янги, янада самарали усуллари жорий этишни талаб қилади. Жаҳон амалиётида ҳам, Ўзбекистонда ҳам бундай беморларда сурункали генераллашган пародонтитни даволашни оптималлаштириш беморларнинг ҳаёт сифати ва соғлиғини яхшилашда муҳим вазифа ҳисобланади.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Буларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110 “бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари ишига янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60” янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2020 йил 10-ноябрдаги ПҚ-4887-сон “аҳоли учун соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли “аҳоли саломатлигини таъминлаш учун тиббий профилактика самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пародонт тўқимаси касалликлари кечиши ва ривожланишида ортиқча тана вазн ҳамда семизлик муҳим омил ҳисобланади. Турли муаллифлар томонидан олиб борилган бир қатор тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, тана массаси индекси (ТМИ) юқори бўлган беморларда СГПнинг оғир шакллари сезиларли даражада кўпроқ учрайди. Масалан, бир қатор олимларнинг маълумотларига кўра, семизлиги бор беморлар кўпроқ чуқур пародонтал чўнтаклар ва суяк тўқимасининг йўқолишидан азият чекишади, бу пародонт тўқималарида микроциркуляциянинг ёмонлашиши ва метаболизм ўзгариши билан боғлиқ. (Крючков Д.Ю. ва ҳаммуал., 2022). Ушбу маълумотлар О. В. Шевченко (2023) тадқиқотлари билан тасдиқланган, ортиқча вазнли беморларда яллиғланиш жараёнларининг юқори даражаси ва пародонт тўқималарининг регенератив хусусиятининг пасайиши кузатилади. Соматик касалликлар фонида кечувчи пародонт тўқимаси касалликлари оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга қаратилган чоралар ишлаб чиқилган. Соматик касалликлар фонида ривожланган пародонт тўқимаси касалликлари асоратларини олдини олишда беморларнинг профилактик ва даво чораларига амал қилишлари катта аҳамиятга эга, шунингдек асосий эътиборни индивидуал гигиенага қаратиш лозим (Ушницкий И.Д. ва ҳаммуал., 2020).

Ўзбекистонда соматик касалликлар фонида кечувчи пародонтитни даволаш ва профилактика қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Ражабова Д.Б., 2023). Ушбу тадқиқотлар беморларнинг ҳаёт сифатини

яхшилаш ва касалланишни камайтиришга ёрдам берадиган соматик касаллик билан боғлиқ пародонт касалликларини даволаш ва олдини олишнинг самарали усулларини янада ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Муаммони ўрганиш ва замонавий терапевтик усулларни жорий этишдаги ютуқларга қарамай, ортиқча вазнли беморларда пародонт тўқимаси касалликларини олдини олиш ва даволашни оптималлаштириш масалалари кейинги тадқиқотлар ва ишланмалар учун долзарб бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (11.2021 PhD 569/2) илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро вилояти аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади пародонт тўқимасида ортиқча тана вазн таъсирида юзага келадиган ўзгаришлар профилактикаси ва комплекс даволашни мукаммаллаштиришдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ортиқча тана вазнига эга беморларда антропометрик ўлчовлар ўтказиш ва стоматологик саломатлигини баҳолаш;

ортиқча тана массасига эга беморларда биокимёвий ва микробиологик текширувлар ўтказиш ҳамда натижасини баҳолаш;

ортиқча тана вазнига эга беморларда пародонтал индексларни (РМА, РВІ, ОНІ-S) қўллаш орқали пародонт ҳолати ўзгаришларини ўрганиш ва натижаларини таҳлил қилиш;

ортиқча тана вазнига эга беморларда пародонт касалликлари асоратларини олдини олишга қаратилган мукаммал профилактик ва комплекс даво схемаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги стоматология ўқув илмий амалий марказига мурожаат қилган 25 ёшдан 55 ёшгача бўлган сурункали генераллашган пародонтит билан оғриган 124 нафар беморлар ва 30 нафар амалий соғлом кишилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тиббий карталар, пародонт тўқималари гигиеник кўрсаткичлари, клиник, биокимёвий ва микробиологик таҳлил кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида пародонт касалликларини даволашда турли хил ёндашувларнинг самарадорлигини баҳолаш учун клиник-стоматологик, рентгенологик, микробиологик, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор беморларда ортиқча тана вазн ($ТМИ > 30$) пародонтал чўнтак чуқурлигининг нормадан ошишига олиб келганлиги ва бу тана вазни норма бўлган беморларга нисбатан юқори эканлигилиги аниқланган;

ортиқча тана вазнига эга беморларда антисептик дори воситаси ва лазеротерапия қўллаш билан комплекс даволаш пародонтопатоген микроорганизмлар таркибини камайтириши илмий жиҳатдан исботланган;

комплекс даво ортиқча тана вазнига эга беморларда пародонтал чўнтаклар чуқурлигини камайтириб, касалликнинг ремиссия даврини узайтирганлиги исботланган;

илк бор ортиқча тана вазли беморларда пародонт касалликларини даволаш самарадорлигини ошишига олиб келган комплекс даволашнинг оптимал схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ортиқча вазннинг мавжудлиги пародонт тўқимасининг яллиғланишли касалликларининг юзага келтириши ва жараеннинг давомийлиги кузатилди, бу клиник текширув натижалари билан тасдиқланган;

ортиқча вазли беморларда ўтказилган биокимёвий ва микробиологик таҳлил натижалари пародонт тўқимаси касалликлари яллиғланиш жараенларини олдини олишга имкон яратди ҳамда беморлар стоматологик саломатлиги яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатган;

беморларда касалликнинг олдини олиш чора тадбирлари самарадорлигини ошириш мақсадида беморлар учун профилактик схема ишлаб чиқилди. Ушбу профилактик схемада антиоксидантлар, суяк метаболизмини ва микроциркуляцияни яхшилайдиган препаратлар киритилди, бу эса беморларнинг умумий соматик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиб, профилактика самарадорлигини оширишга ёрдам берди. Шунингдек, пародонт тўқималарининг касалликлари қайта юзага келишини камайтириб, ремиссия даврининг узайишига хизмат қилган;

комплекс даволашда паст интенсивли лазеротерапия ва "Элюгел" гелини биргаликда қўллаш ортиқча тана массасига эга беморлар оғиз бўшлиғида патоген микрофлора даражасини камайтиргани, пародонтал ва гигиеник индекслар яхшиланганлиги қайта таҳлил натижалари билан исботланди ва даво мuddатини қисқартирган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган усуллар ва назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ортиқча тана вазли беморларда РМА, ОНІ-S ва РВІ индекслари қониқарсиз кўрсаткичлари ҳамда бу кўрсаткичларнинг ортиқча тана массаси ҳисобига оғиз бўшлиғи патологик микрофлораси миқдорининг ортиши билан бевосита боғлиқлиги, оғир даражадаги пародонтитнинг кўп тарқалганлиги, биокимёвий таҳлил натижасида ортиқча тана массаси пародонт тўқимаси касалликларининг оғирлик даражасига таъсир қилиши ва суяк метоболизи учун муҳим аҳамиятга эга остеокальцин ва витамин Д каби биомаркерлар кўрсаткичларини текшириш пародонт тўқимаси касалликлари оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни эрта аниқлаш ва олдини олишга

имкон берганлиги, оғиз бўшлиғини календула настойкаси билан чайиш самарадорлиги, антисептик дори воситаси ва лазеротерапиядан фойдаланиб комплекс даволаш ижобий стоматологик ва бактериологик самарадорлик кўрсатганлиги билан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тана массаси ортиқча бўлган беморларда тавсия этилган профилактика схемаси ва комплекс даволи қўллаш касалликнинг барқарорлашиш имконини берганлиги, терапевт ҳамда эндокринолог маслаҳатига кўра умумий давода қон айланишини яхшиловчи, липид алмашинувига ижобий таъсир қилувчи ва антиоксидант Ферсикард ва суяк метабализмига ижобий таъсир қилувчи Биокальций преператларининг даволаш комплексига қўшилиши ушбу беморларни даволаш самарадорлиги юқори бўлиши, даволаш муддатининг қисқариши ва ремиссия даврининг узайишига замин яратганлиги, комплекс даволашда “Элюгел” гели ва паст интенсивли лазеротерапиядан фойдаланиш стандарт даволаш билан таққослаганда стоматологик ва бактериологик самарадорлик кўрсаткичларини ошиши стоматологик амалиёт учун аҳамиятли эканлиги кўрсатилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2024 йил 10 декабрдаги 10/03– сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк бор беморларда ортиқча тана вазн (ТМИ>30) пародонтал чўнтак чуқурлигининг нормадан ошишига олиб келганлиги ва бу тана вазни норма бўлган беморларга нисбатан юқори эканлигилиги аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ортиқча тана массасига эга беморларда пародонт тўқималарида микроциркулятор бузилишлари натижасида патологик милк чўнтаклари чуқурлигининг ортиши асосий касалликка бевосита боғлаш имконини беради. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (27.09.2024 й; №511) билан ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (16.10.2024 й; № 01-58) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* ортиқча тана массасига эга беморларни пародонтал чўнтак ҳолатини баҳолаш ортиқча тана вазн негизида шаклланган сурункали тарқоқ пародонтитни эрта ташхислаш ва самарали даволаш ҳамда профилактика самарадорлигини оширишга имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* бир беморнинг мураккаб клиник диагностикаси нархи 148000 сўм, диагностика натижаларини қайта ишлашда вақт бирлиги учун шифокорнинг ва ҳамшираларнинг иш ҳақи учун 41000 сўмни ташкил қилди. Беморларда сурункали тарқоқ пародонтитни ташхислаш орқали сарфланадиган харажатларини 107000 сўмга камайтиришга эришилди. *Хулоса:* ортиқча тана массасига эга беморларнинг патологик чўнтак ҳолатини баҳолаш орқали эрта ташхис ва самарали даволаш усуллари тавсия этиш орқали, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 107000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 148 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Иккинчи илмий янгилик: ортиқча тана вазнига эга беморларда антисептик дори воситаси ва лазеротерапия қўллаш билан комплекс даволаш пародонтопатоген микроорганизмлар таркибини камайтириши илмий жиҳатдан исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ортиқча тана массасига эга беморларда оғиз бўшлиғида пародонтопатоген микроорганизмлар бундай патологиялар кузатилмаган беморларга қараганда юқори концентрацияда учраши ва бу пародонт касалликларини клиник кўринишини қийинлаштириши, оғиз бўшлиғи гигиеник ва микробиоценозини яхшилашда антисептик дори воситаси ва лазеротерапияни қўллаш самарали натижалар олиш имконини беради. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (27.09.2024 й; №51П) билан ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (16.10.2024 й; № 01-58) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* ортиқча тана вазни мавжуд беморларда кечаётган сурункали тарқоқ пародонтитда маҳаллий тўқималардаги тизимли яллиғланиш кўрсаткичларини баҳолашнинг ишлаб чиқилган усули даво-профилактика натижаларини ҳамда патологик жараённинг кечишини объективлаштириши, тавсия этилаётган антисептик дори воситаси ва лазеротерапияни қўллаш амалий соғлиқни сақлаш тизимидаги шифокорларга беморларни маҳаллий даво-профилактика усулини танлашга мақсадли ёндашув ва самарали даволаш имкониятини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ортиқча тана вазнига эга беморларда оғир даражали пародонтитларнинг клиник-прогностик эҳтимолини инобатга олган ҳолда оғиз бўшлиғи гигиеник ва микробиологик ҳолатини яхшилашда тавсия этилган даво-профилактика усуллари соғайиш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириб (БДТИ қошидаги стоматологик илмий амалий марказнинг прејскурантига кўра стоматолог кўриги 1 бемор учун 41000 сўмни ташкил қилади); стоматолог қабулида бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 30000 сўм дори воситалари сарфланади), малакали гигиенани таъминлаш 110000 сўм. *Хулоса:* ортиқча тана массасига эга беморларда оғир даражали пародонтитларни ташхислаш ва даволаш усуллариининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 150000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Учинчи илмий янгилик: комплекс даво ортиқча тана вазнига эга беморларда пародонтал чўнтаклар чуқурлигини камайтириб, касалликнинг ремиссия даврини узайтирганлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ортиқча тана массасига эга беморларда сурункали тарқоқ пародонтитда оғиз бўшлиғи микробиоценозига таъсир этувчи омилларни баҳолаш, яллиғланиш жараёнининг генерализацияланишининг ривожланишини ташхислаш ва суяк резорбцияси ҳамда пародонтал чўнтаклар чуқурлигини инобатга олиб комплекс даволаш бу беморларда пародонт касалликларини даволаш ва профилактика қилиш усулини оптималлаштириш имконини берган. Бу ўз навбатида, даволаш натижаларини яхшилаб, шифо жараёнини тезлаштириб, даво кунини қисқартиради. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (27.09.2024 й; №51П) билан ҳамда Бухоро вилоят стоматология

поликлиникаси бўйича буйруқ (16.10.2024 й; № 01-58) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* ортиқча тана ванзли беморларда сурункали тарқоқ пародонтитда пародонт тўқималарида микроциркуляция бузилиши, патологик пародонтал чўнтаклар чуқурлигини аниқлаш, оғиз бўшлиғи микробиоценози ўзгаришларини таҳлил қилиш ўз вақтида ташхислаш ва даволаш имконини берди, бу эса беморларда рецидивларнинг камайиши ва ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган асоратларни олдини олиш имконини берган, бу ўз навбатида даволаш сифатини яхшилайдди. *Иқтисодий самарадорлиги:* ортиқча тана вазнга эга беморларда оғир даражали пародонтитларнинг клиник-прогностик эҳтимолини инобатга олган ҳолда оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини яхшилашда тавсия этилган даво-профилактика усуллари: соғайиш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириб (БДТИ қошидаги стоматологик илмий амалий марказнинг прејскурантига кўра стоматолог кўриги 1 бемор учун 41000 сўмни ташкил қилади); стоматолог қабулида бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 30000 сўм дори воситалари сарфланади), малакали гигиенани таъминлаш 110000 сўм. *Хулоса:* ортиқча тана массасига эга беморларда оғир даражали пародонтитларни ташхислаш ва даволаш усуллари жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 150000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Тўртинчи илмий янгилик: илк бор ортиқча тана ванзли беморларда пародонт касалликларини даволаш самарадорлигини оширишга олиб келган комплекс даволашнинг оптимал схемаси ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ортиқча тана вазн билан уйғунликда кечувчи пародонтитни комплекс даволашни такомиллаштириш учун тавсия этилган антисептик дори воситаси ва лазеротерапияни қўллаш яхши ва қониқарли даволаш натижаларини кўпайтириши, даволаш натижаларининг қониқарсиз ҳолатларнинг олдини олиш имконини бериши исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (27.09.2024 й; №51П) билан ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (16.10.2024 й; № 01-58) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* тана массаси нормадан юқори бўлган беморларда сурункали тарқоқ пародонтитни антисептик дори воситаси ва лазеротерапия ёрдамида комплекс даволаш даво усулини такомиллаштириш учун тавсия этилган тавсиялардан фойдаланишга имкон берган ва мазкур касалликга чалинган беморларнинг комплекс даволаниш самарадорлигини оширилиши ва пародонт тўқималарининг тикланиш муддатларини тезлаштиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* ортиқча вазнга эга беморларда сурункали тарқоқ пародонтитни тавсия этилган комплекс даволаш усулининг амалиётда қўлланилиши даволаш натижаларини яхшилаш имконини бериб 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 750000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* ортиқча вазнга эга беморларда сурункали тарқоқ пародонтитни тавсия этилган комплекс даволаш усули 1 нафар бемор учун 750000 сўм иқтисод қилиш ва комплекс даволаш самарадорлигини ошириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот

натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган илмий-тадқиқот иши долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шу тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлашга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Пародонт тўқималарида яллиғланиш жараёнларининг сабаблари ва ривожланишининг долзарб масалалари"** деб номланган биринчи бобида яллиғланиш билан кечувчи пародонт касалликлар муаммосининг ҳозирги ҳолатини уларнинг ортиқча вазн билан алоқаси нуқтаи назаридан маҳаллий ва хорижий олимларнинг энг замонавий илмий ютуқлари кенг қўламли таҳлил қилинган. Ортиқча вазнли беморларда яллиғланиш жараёнларининг патогенетик жиҳатлари, оғиз бўшлиғининг микробиологик хусусиятлари, дисбиёзнинг пародонт тўқима ҳолатига таъсири, шунингдек, оғиз суяклигидаги метаболик ўзгаришларнинг аҳамияти кўриб чиқилган. Пародонт тўқимасининг яллиғланиш билан кечадиган касалликларни ташхислаш ва даволашнинг асосий назарий ёндашувлари тизимли патологияларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тавсифланади, бу эса анъанавий ва замонавий даволаш усуллари ўз ичига олган комплекс терапевтик ёндашув зарурлигини асослашга имкон берди.

Диссертациянинг **"Материал ва тадқиқот усуллари"** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти тавсифи, қўлланилган клиник, микробиологик, биокимёвий усуллар ҳамда қўйилган вазифаларни амалга оширишга ёрдам берадиган статистик ёндашувлар келтирилган. Тадқиқот ишнинг мақсадлари асосида беморлар гуруҳларини шакллантириш ва танлашнинг турли жиҳатлари эътиборга олинган (1-жадвал).

Ортиқча тана вазнига эга беморларда пародонтитнинг асоратларини ривожланиш хавфини баҳолашга алоҳида урғу берилган. Клиник тадқиқотлар Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги стоматология ўқув илмий амалий марказида мурожаат қилган 25 ёшдан 55 ёшгача бўлган

сурункали генераллашган пародонтит билан оғриган 124 нафар беморлар ва пародонт тўқимасида клиник ўзгаришлари бўлмаган 30 нафар кишиларда ўтказилган.

1-жадвал.

Гуруҳларда беморларнинг ёш ва жинс бўйича тақсимоти

Гуруҳ	Ёши	Эркаклар		Аёллар		Жами	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%
Асосий гуруҳ	25-34	14	21,54%	13	20,00%	27	41,54%
	35-44	11	16,92%	12	18,46%	23	35,38%
	45-54	7	10,77%	8	12,31%	15	23,08%
Жами		32	49,23%	33	50,77%	65	100%
Қиёсий гуруҳ	25-34	12	20,34%	12	20,34%	24	40,68%
	35-44	8	13,56%	12	20,34%	20	33,90%
	45-54	8	13,56%	7	11,86%	15	25,42%
Жами		28	47,46%	31	52,54%	59	100%
Назорат гуруҳи	25-34	6	20,00%	6	20,00%	12	40,00%
	35-44	4	13,33%	6	20,00%	10	33,33%
	45-54	4	13,33%	4	13,33%	8	26,66%
Жами		14	46,66%	16	53,33%	30	100%

Изоҳ: Барча тадқиқот гуруҳларда 25–34 категориясида эркаклар ва аёллар кўрсаткичлари юқори кўрсаткичга эгаллиги аниқланди.

Тадқиқотга жалб қилинган беморлар ижтимоий таркиби 2-жадвалда кўрсатилган таркибга эга бўлди.

2-жадвал

Ўрганилган уч гуруҳнинг ижтимоий таркиби

Ижтимоий таркиб	Асосий гуруҳ (n=65)		Қиёсий гуруҳ (n=59)		Назорат гуруҳи (n=30)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Ишчилар	18	27,69%	16	27,12	7	23,33%
Хизматчилар	19	29,23%	14	23,73	10	33,33%
Тадбиркорлар	10	15,38%	12	20,34	5	16,67%
Талабалар	11	16,92%	9	15,25	4	13,33%
Ишсизлар	7	10,77%	8	13,56	4	13,33%
ЖАМИ	65	100%	59	100%	30	100%

Ҳар бир гуруҳдаги беморларнинг ижтимоий таркиби хилма-хиллигини ўз ичига олган намунавий шаклланиш ижтимоий омилларнинг саломатликка таъсирини чуқурроқ тушунишга имкон берди. Асосий ва назорат гуруҳларидаги хизматчиларнинг юқори улуши ушбу тоифалар учун тиббий ресурслардан яхшироқ фойдаланишни кўрсатиши мумкин, таққослаш гуруҳида ишчилар ва ишсизларнинг кўрсаткичлари соғлиқни сақлашда ушбу тоифаларга алоҳида эътибор бериш зарурлигини кўрсатади.

Беморлар уч гуруҳга ажратилган: биринчи гуруҳ (n=65) - асосий, сурункали генераллашган пародонтит оғриган ортикча тана массасига эга

беморлардан иборат, иккинчи гуруҳ (n=59) – қиёсий, сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган нормал тана вазнига эга беморлардан иборат, учинчи гуруҳ (n=30) - назорат, пародонт яллиғланишининг яққол клиник белгилари бўлмаган ва нормал тана вазнига эга кишилардан иборат.

Тадқиқотга жалб қилинган беморлар антропометрик ўлчовлари (бўй узунлиги, тана вазни, тана массаси индекси ўлчовлари) амалга оширилди. Тана массаси индекси (ТМИ) ортиқча тана вазн ва семезликни аниқлаш учун таниқли бўлган усул ҳисобланади. ТМИ тана массасини (кг) бўй узунлигининг квадратига (m^2) нисбати орқали ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти классификациясига (1997) мос равишда қуйидаги категориялар фарқланади: тана вазнининг етарлича бўлмаслиги (ТМИ < 18,5 kg/m^2), тана массасининг пастлиги (ТМИ 17,0-18,49 kg/m^2), норма (ИМТ 18,5-24,99 kg/m^2), ортиқча тана вазн (ИМТ 25,0-29,99 kg/m^2), семизликнинг 1 даражаси (ТМИ 30,0-34,99 kg/m^2), семизликнинг 2 даражаси (ИМТ 35,0-39,99 kg/m^2) ва семизликнинг 3 даражаси (ИМТ $\geq 40,0$ kg/m^2).

Биокимёвий текширувлар ёрдамида қон плазмасида С реактив оқсил ва трансферрин кўрсаткичлари аниқланди. Биокимёвий маркерлар ёрдамида суяк метаболизми ҳолати ва организмнинг Д витамини билан таъминланганлиги баҳоланди. Суяк тўқимасидаги Остеокальцин даражасини баҳолаш учун иммунофермент таҳлил ўтказилди.

Стоматологик тадқиқотлар қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилган: Klein, Palmer (1939) бўйича доимий тишларнинг КПО индекси; Грин-Вермильон (1964) усулида оғиз бўшлиғи гигиеник индекси; Parma модификациясида (1960) гингивит (РМА) индекси; Н.Р. Muhlman бўйича (1971) милклардан қон кетиш РВІ индексини аниқлаш.

Алвеоляр суяк ўсиғи ҳолатига баҳо бериш мақсадида Siemens фирмаси “Ortophos-3” ортопантомографида панорам ренгенография амалга оширилди.

Оғиз бўшлиғи патоген микрофлорасини аниқлаш полимераза занжир реакцияси ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқот мақсадларига асосланиб, 154 киши маҳаллий терапия турига қараб уч гуруҳга бўлинган. Асосий гуруҳга 65 та сурункали генераллашган пародонтит билан касалланган ортиқча вазнига эга беморлар киритилган бўлиб, улар яна иккита кичик гуруҳга бўлинган: А кичик гуруҳи (32 бемор) стандарт даво қўлланилди ва Б кичик гуруҳи (33 бемор) янги алгоритм ёрдамида комплекс даволанди. Такқослаш гуруҳи нормал тана вазнига эга сурункали генераллашган пародонтит билан оғриган 59 нафар бемордан иборат бўлиб, стандарт даво усулида даволанди. Назорат гуруҳи 30 нафарни ташкил қилиб, фақат оғиз бўшлиғи гигиенаси бўйича тавсиялар берилди. Асосий гуруҳнинг Б кичик гуруҳи (33 бемор) комплекс давосида оғиз бўшлиғи санациясидан кейин “Элюгел” гели ҳамда паст интенсивли лазеротерапияни биргаликда қўлланилди, ҳар овқатланишдан кейин оғиз бўшлиғини яллиғланишга қарши Календула настойкаси билан чайиш тавсия қилинди. Умумий давога терапевт ва эндокринолог билан маслаҳатлашган ҳолда антиоксидант, қон айланишини яхшиловчи, холестрин даражасини пасайтирувчи Ферсикард препаратидан бир таблеткадан кунига бир марта бир ой давомида ичиш, суяк зичлигини ошириш ва резорбциясини

камайтириш мақсадида Биокальций таблеткасида 1 таблеткадан 1 маҳал 30 кун ичиш тайинланди. Асосий гуруҳнинг А кичик гуруҳи ва таққослаш гуруҳи беморларида стандарт даво сифатида маҳаллий давода оғиз бўшлиғи санациясида кейин Холисал гели ва оғиз бўшлиғини чайиш учун "Eludril Care" антибактериал воситаси қўлланилди.

Тадқиқот материаллари статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилинган. Дастлабки маълумотларни тўплаш, тузатиш, тизимлаштириш ва олинган натижаларни визуаллаштириш Microsoft Office Excel 2016 электрон жадвалларида бажарилган. Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics v.26 ёрдамида амалга оширилган. Номинал маълумотлар мутлақ қийматлар ва фоизлар билан тавсифланган. Тўрт ёклама жадвалнинг ҳар қандай катакларидида кутилган кузатишлар сони 5 дан кам бўлган ҳолларда, фарқларнинг аҳамиятлилик даражасини баҳолаш учун Фишернинг аниқ мезони қўлланилган. Оддий тақсимланган миқдорий маълумотлар тўпламидаги ўртача қийматларни солиштириш t-Студент тести ёрдамида ҳисобланган.

Диссертациянинг **“Ортиқча тана вазнига эга беморларда пародонт тўқималари ҳолати тадқиқот натижалари”** деб номланган учинчи бобидида беморларнинг стоматологик ва оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини баҳолаш бўйича қўйилган вазифаларга мос равишда, текширилаётган беморларнинг клиник хусусиятлари, шунингдек, ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тадқиқот материаллари таҳлили давомида 65 нафар бемордан иборат асосий гуруҳда барча иштирокчиларда ТМИ нормадан юқори эканлиги аниқланди, 51 нафар беморда (78,46%) 25 дан 29,99 кг/м²гача диапазондаги ТМИ билан ортиқча тана вазн қайд қилинди. Семизликнинг I даражаси 9 нафар беморда(13,85%) ИМТ 30 дан 34,99 кг/м²гача ТМИ билан, 5 нафар беморда(7,70%) эса семизликнинг II даражаси 35 дан 39,99 кг/м²гача ТМИ билан қайд қилинди. 59 нафар бемордан иборат қиёсий гуруҳда барча қатнашчилар 18,50 дан 24,99 кг/м²гача бўлган нормал ТМИ эга бўлиб, мазкур гуруҳда ортиқча тана вазн ва семизлиги бор беморлар йўқлиги кузатилди. Назорат гуруҳи беморлари нормал ТМИ эга аналогик тасвир кузатилди.

КПО индексининг қиймати ҳам таққослаш гуруҳида, ҳам асосий гуруҳда кариес ва унинг асоратлари билан юқори касалланишни тавсифлаши белгиланган. Оғиз бўшлиғи санациясида кариес ва унинг асоратлари билан биргаликда нокариоз касалликлар ҳам кузатилди. Асосий гуруҳдаги беморларда нокариоз касалликлар, шу жумладан понасимон нуқсон (27,69%), эрозия (23,07%), гиперестезия (46,15%) ва патологик едирилиш (23,07%) юқори бўлган. Қиёсий гуруҳда бу кўрсаткичлар пастроқ, аммо барибир аҳамиятли: понасимон нуқсон (13,55%), эрозия (11,86%), гиперестезия (20,33%) ва патологик едирилиш (11,86%). Назорат гуруҳида нокариоз касалликлар жуда кам учради.


Тадқиқот натижарига кўра ортиқча тана вазнли беморларда пародонт тўқимаси касалликлари кенг тарқалганлиги аниқланди. Бу натижалар пародонтологик ва гигиеник индекслардан олинган маълумотлар асосида тасдиқланди, натижалар 3-жадвалда келтирилган.

Пародонтологик ва гигиеник индекс кўрсаткичлари

Гуруҳ	РМА индекси	РВІ индекси	ОНІ-S индекси
Асосий гуруҳ (n=65)	3,5±0,4*	3,2±0,4*	2,9±0,3*
Таққослаш гуруҳи(n=59)	2,8±0,3	2,6±0,3	2,4±0,2
Назорат гуруҳи (n=30)	1,2±0,1**	1,4±0,2**	1,8±0,2**

Изоҳ: * - Гуруҳлар ўртасида фарқлар ишончлилиги ($p > 0,05$); ** - назорат гуруҳи ўртасидаги фарқ ишончлилиги ($p < 0,05$).

Тадқиқот давомида пародонт тўқимаси ҳолатига баҳо беришда муҳим ҳисобланган пародонтал чўнтаклар чуқурлиги асосий ва қиёсий гуруҳда баҳоланди ва 1-расмда кўрсатилган кўрсаткичлар аниқланди.



1-расм. Иккала гуруҳ беморларида пародонтал чўнтак чуқурлиги кўрсаткичлари. (n=124)

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра барча беморларга ташҳис қўйилди. Иккала гуруҳга ҳам жалб қилинган беморлар пародонт тўқималарида яллиғланиш касалликлари 100% ҳолатда аниқланган.


Пародонт тўқималарида яллиғланиш касалликларининг тарқалганлиги бўйича маълумотлар 4-жадвалда берилган.

Беморларнинг ташҳис бўйича тақсимланиши.

Гуруҳ	Енгил СГП	Ўрта СГП	Оғир СГП	Сурункали катарал гингивит	Соғлом
Асосий гуруҳ (n=65)	17 (26%)	32 (49%)	13 (20%)	3 (5%)	0 (0%)
Таққослаш гуруҳи (n=59)	24 (41%)	20 (34%)	6 (10%)	9 (15%)	0 (0%)
Назорат гуруҳи (n=30)	0(0%)	0 (0%)	0 (0%)	0 (0%)	30 (100%)

Изоҳ: асосий гуруҳ беморларда таққослаш гуруҳи беморларига нисбатан кўпроқ сурункали генераллашган пародонтитнинг оғир даражаси кузатилган.

Келтирилган жадвал маълумотларидан асосий гуруҳ пародонтитнинг ўрта ва оғир даражаларининг кўп учраши аниқланган. Бу эса ортикча тана вазн негизида пародонт тўқималари капилляр қон томирлари ўтказувчанлигининг ортиши, тўқимада моддалар алмашинувининг бузилишига сабабчи бўлиши ва бу орқали оғиз бўшлиғи гигиена даражасининг бузилиши ва оғиз бўшлиғи нормобиосенозининг ўзгаришига сабабчи бўлиши хулосаланган. Шунингдек, таҳлил маълумотлари ТМИ ортиши билан СГП оғирлигининг ишончли ўсишини аниқлади. ($p < 0,005$) (2-расм).



2-расм. ТМИ нинг пародонтал патологиянинг оғирлиги бўйича тақсимланиши

Сурункали генераллашган пародонтитнинг (СГП) қайталаниш частотасининг ошиши ТМИ ортиши билан ишончли даражада боғлиқ ($p=0,82$, $p < 0,005$).

Тадқиқот давомида барча тадқиқот иштирокчиларида ортопантомограмм ўтказилди. Рентген маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ортикча вазнли беморларда таққослаш гуруҳи ва назорат гуруҳига нисбатан суяк тўқималарида жуда яққол ўзгаришлар мавжуд. (5-жадвал)

5-жадвал

Ортопантомографик тадқиқотлар натижалари

Гуруҳ	Алвеоляр суяк ўсиғи резорбцияси (30% дан кўп)	Алвеоляр суяк ўсиғи резорбцияси (30% дан кам)	Алвеоляр суяк ўсиғи нормал ҳолати	Жами (n)
Асосий гуруҳ	45 (69%) **	17 (26%) **	3 (5%)	65
Таққослаш гуруҳи	26 (44%) *	24 (41%) *	9 (15%)	59
Назорат гуруҳи	-	-	30 (100%) **	30

Изоҳ: * * - назорат гуруҳига нисбатан асосий ва таққослаш гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг статистик аҳамиятини қайд этади ($p < 0.05$).

Ортопантомография натижасида олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳ беморларида пародонтда сезиларли патологик ўзгаришлар мавжуд. Бу ўзгаришларга суякнинг сезиларли резорбцияси, алвеоляр суяк ўсиғи баландлигининг пасайиши ва чуқур патологик чўнтақларининг мавжудлиги киради.

Қон зардобидаги С-реактив оксилнинг (СРО) ўртача концентрациясини таҳлил қилиш унинг семириш даражасига боғлиқлигини аниқлади. Ортиқча вазнга ега бўлмаган таққослаш гуруҳи беморларида СРО миқдори $0,89 \pm 0,08$ ни ташкил этди, ортиқча вазнли асосий гуруҳ иштирокчиларида эса — $1,21 \pm 0,21$, биринчи даражали семириш билан — $1,44 \pm 0,25$, иккинчи даражали семириш билан — $1,71 \pm 0,4$ ташкил этди. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич сезиларли даражада паст — $0,14 \pm 0,03$. (3- расм)

Корреляцион таҳлил натижалари СРО даражаси ва тана массаси индекси (ТМИ) ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрсатди, бу ТМИ ортиши билан СРО даражаси ортишини кўрсатди. ($r = 0,628$, $p < 0,001$)




3- расм. ТМИ га боғлиқ ҳолда СРО даражалари.

Ўтказилган тадқиқотда қон зардобидаги трансферрин концентрацияси тадқиқот гуруҳлари ўртасида фарқ қилиши аниқланди. Назорат гуруҳида трансферриннинг ўртача даражаси $2,9 \pm 0,44$ нг/мл. ни ташкил қилди. Тана массаси индекси ошган асосий гуруҳ иштирокчиларида бу оксилнинг ўртача концентрацияси паст ва $1,63 \pm 0,31$ нг/мл. га тенг бўлди. Ортиқча тана массасига эга бўлмаган таққослаш гуруҳи беморларида трансферриннинг ўртача кўрсаткичи $2,0 \pm 0,2$ нг/мл. ни ташкил қилди (4-расм).

Ушбу натижалар тана массаси индексининг трансферрин даражасига таъсирини таъкидлайди, бу турли гуруҳлар ўртасидаги метаболик жараёнлардаги фарқларни акс эттириши мумкин. Таҳлил натижалари тана массаси индекси ва трансферрин даражаси ўртасидаги статистик жиҳатдан муҳим тесқари корреляцияни аниқлади, бу ерда корреляция коэффициенти - $0,61$ тенг бўлди. Бу шуни англатадики, тана вазнининг ошиши билан қон плазмасида трансферрин даражасининг пасайиши кузатилади. Ушбу хулоса қоннинг биокимёвий параметрларини талқин қилишда семириш даражасини ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлайди, чунки ортиқча вазн метаболик

жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатиши ва таҳлилларда оғишларга олиб келиши мумкин.



4-расм ТМИ га боғлиқ ҳолда трансферрин даражалари.

Остеокальцин ва Д витамини даражасини баҳолаш учун учта тадқиқот гуруҳининг барча беморларида таҳлил ўтказилди. Олинган натижалар гуруҳлар ўртасидаги статистик жиҳатдан фарқларни аниқлади, бу ортиқча вазннинг суяк метаболизмининг биокимёвий маркерларига таъсирини кўрсатади (6-жадвал). Ортиқча тана вазнига эга асосий гуруҳ беморларда Д витамини ўртача даражаси $18,6 \pm 4,2$ нг/мл ни ташкил этди, бу ушбу витаминнинг етишмаслигидан далолат беради. Таққослаш гуруҳида (нормал тана массаси индексига эга бўлган 59 бемор) Д витамини ўртача даражаси $30,2 \pm 3,8$ нг/мл, назорат гуруҳида (30 бемор) — $31,1 \pm 3,5$ нг/мл ни ташкил қилди. Асосий гуруҳ ва бошқа гуруҳлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб чиқди ($p < 0,05$), бу ортиқча тана вазнининг Д витамини даражасининг пасайишига таъсирини таъкидлайди, бу ортиқча вазнли беморларга хос бўлган метаболик ва эндокрин ўзгаришлар билан боғлиқ. Ортиқча вазн лептин даражасининг ошишига ва адипонектин концентрациясининг пасайишига олиб келади, бу буйрак ва жигар фаолиятига таъсир қилади, Д витамини фаоллашувини камайтиради.

6-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида Д витамини даражаси (нг/мл, $M \pm m$)

Гуруҳ	Ўрта миқдор ($M \pm m$)	Минимал кўрсаткич	Максимал кўрсаткич	р-кўрсаткич
Асосий гуруҳ	$18,6 \pm 4,2$	12,0	25,3	<0,05
Таққослаш гуруҳи	$30,2 \pm 3,8$	24,5	35,8	
Назорат гуруҳи	$31,1 \pm 3,5$	25,0	36,0	

Остеокальцин даражасини таҳлил қилишда ҳам шунга ўхшаш натижалар олинди. Асосий гуруҳ беморларида остеокальцин ўртача даражаси $12,5 \pm 2,3$ нг/мл ни ташкил этди. Таққослаш гуруҳида остеокальцин даражаси юқори даражани $18,7 \pm 2,8$ нг/мл ни ва назорат гуруҳида $19,2 \pm 2,6$ нг/мл ни ташкил қилди (7-жадвал). Ушбу фарқлар статистик жиҳатдан ҳам муҳим бўлиб чиқди ($p < 0.05$).

7-жадвал

Тадиқот гуруҳларида остеокальцин даражаси (нг/мл, $M \pm m$)

Гуруҳ	Ўрта миқдор ($M \pm m$)	Минимал кўрсаткич	Максимал кўрсаткич	p-кўрсаткич
Асосий гуруҳ	$12,5 \pm 2,3$	8,7	16,2	<0,05
Таққослаш гуруҳи	$18,7 \pm 2,8$	14,0	22,0	
Назорат гуруҳи	$19,2 \pm 2,6$	15,0	22,5	

Натижаларга асосланиб, асосий гуруҳдаги беморларда Д витамини ва остеокальцин даражасининг пасайиши ортиқча вазнга хос бўлган метаболик ўзгаришлар билан боғлиқ. Д витамини етишмаслиги кам жисмоний фаоллик ва ортиқча вазн билан боғлиқ гормонал ўзгаришлар туфайли юзага келган. Остеокальцин даражасининг пасайиши суяк метаболизми фаоллигининг пасайишини акс эттирди ва яллиғланиш жараёнларининг кучайишига ёрдам берди, бу еса ўз навбатида пародонт тўқимаси касалликларининг ривожланишига, яъни суяк резорбциясига олиб келган.

Микробиологик текширувлар натижаларига кўра беморларнинг асосий гуруҳида (ортиқча вазнга эга) таққослаш гуруҳи ва назорат гуруҳига нисбатан патоген микрофлоранинг сезиларли устунлиги аниқланди (8 - жадвал).

8-жадвал

Беморлар орасида оғиз суюқлигида патогенлар аниқланган ҳолатлар

Бактерия	Асосий гуруҳ (n=65)	Таққослаш гуруҳи(n=59)	Назорат гуруҳи (n=30)
<i>Porphyromonas gingivalis</i>	88% (57)	33% (20)*	5% (2)**
<i>Tannerella forsythia</i>	84% (55)	31% (18)*	4% (1)**
<i>Treponema denticola</i>	91% (59)	34% (20)*	6% (2)**

Изоҳ: * * - назорат гуруҳига нисбатан асосий ва таққослаш гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг статистик аҳамиятини қайд этади ($p < 0.05$).

Миқдорий таҳлил шуни кўрсатадики, ортиқча вазнли беморларда оғиз бўшлиғининг патоген бактериялар томонидан колонизацияси нормал тана вазнига эга беморларга қараганда анча юқори.

Корреляцион таҳлил ортиқча вазн ва оғиз бўшлиғини патоген микрофлораси колонизация даражаси ўртасидаги юқори даражадаги боғлиқликни кўрсатди. (9-жадвал) Ортиқча вазн ва *P. gingivalis*, *T. forsythia* ва *T. denticola* миқдори ўртасидаги юқори боғлиқлик ортиқча вазнли беморларда яллиғланишли пародонт касалликларни даволаш ва олдини

олишнинг самарали усуларини ишлаб чиқиш учун қўшимча тадқиқотлар зарурлигини тасдиқлайди.

9-жадвал

Беморлар орасида оғиз суюқлиги микрофлорасининг сифатий таркиби (КОЕ/мл)

Бактерия	Асосий гуруҳ (n=65)	Таққослаш гуруҳи(n=59)	Назорат гуруҳи (n=30)
<i>Porphyromonas gingivalis</i>	7,5×10 ⁵ **	2,8×10 ⁵ *	1,0×10 ³
<i>Tannerella forsythia</i>	6,8×10 ⁵ **	2,5×10 ⁵ *	0,9×10 ²
<i>Treponema denticola</i>	8,1×10 ⁵ **	3,0×10 ⁵ *	1,2×10 ³

Изоҳ: * - Гуруҳлар ўртасида фарқлар ишончлилиги (p > 0,05); ** - назорат гуруҳи ўртасидаги фарқ ишончлилиги (p<0,05).

Ўрганилган параметрлар ўртасидаги боғлиқликни чуқурроқ тушуниш учун Спирмен корреляцион таҳлили ўтказилди. Тўлиқ корреляци кўрсаткичлари 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

Ўрганилаётган кўрсаткичларнинг корреляцион боғлиқлиги

Параметрлар	ИМТ	CRP	Остеокальцин	Витамин D	Porphyromonas gingivalis	Tannerella forsythia	Treponema denticola	Трансферрин	PMA	PBI	ОHI-S
ИМТ	-	0.89	-0.76	-0.67	0.85	0.82	0.88	-0.61	0.80	0.78	0.79
CRP	0.89	-	-0.69	-0.64	0.80	0.78	0.81	-0.55	0.77	0.76	0.75
Остеокальцин	-0.76	-0.69	-	0.87	-0.75	-0.73	-0.79	0.60	-0.72	-0.70	-0.71
Витамин D	-0.67	-0.64	0.87	-	-0.71	-0.69	-0.76	0.58	-0.66	-0.65	-0.64
Porphyromonas gingivalis	0.85	0.80	-0.75	-0.71	-	0.91	0.88	-0.63	0.83	0.82	0.81
Tannerella forsythia	0.82	0.78	-0.73	-0.69	0.91	-	0.86	-0.59	0.80	0.79	0.78
Treponema denticola	0.88	0.81	-0.79	-0.76	0.88	0.86	-	-0.62	0.85	0.83	0.82
